Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ГАЗЕТА 1966 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. • № 76 (5. 967) • 1986 йил 2 апрель, чоршанба • Баҳоси 3 тийин.



# КПСС XXVII съезди қарорлари—ҳаётга

19 апрель—Бутуниттифоқ коммунистик шанбалик куни

## Пухта тайёргарлик

Кўприк темир-бетон конструкциялари заводи коллективи москвалик илғор саноат корхоналари коллективи бошлаган В. И. Ленин туғилган куннинг 116 йиллиги шарафига шу йил 19 апрелда коммунистик шанбалик ўтказиш бўйича ташаббусни қизғин қўллаб-қувватлашди. Шу муносабат билан корхонада бўлиб ўтган йиғилишда илғор ишчилар, инженер-техник ходимлар сўзлаб, меҳнат байрамини ҳар вақтдагидан кўп ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш билан нишонлашга ваъда бердилар. Ҳозирги ҳисобларга қараганда меҳнат байрами куни 530 километр темир-бетон кўприк конструкциялари ва йўл плиталари ишлаб чиқарилади.

Корхонанинг инженер-техник ходимлари ва хизматчилари завод территориясини ободонлаштириш, гул ва дарахт кўчатлари ўтқазиш билан шуғулланишади.

Шу куни ишлаб топилган иш ҳақи тўлалигича ўн иккинчи беш йиллик фондига ўтказилади.

## Пешқадамлар сафида

11-«Висотстрой» трестига қарашли 69-қурилиш бошқармасининг Александр Артемов бошчилик қилаётган комплекс бригадаси «Главташкентстрой»нинг қурилиш бошқармалари орасида пешқадам коллективлардан бири саналади. Бригаданинг 23 аъзоси бир неча ўхшаш касбларни ўзлаштириб олишган. Коллектив Злобин методи асосида ишлаб кунлик план-топшириқларини мунтазам равишда орттириб адо этяпти.

Бугунги кунда графикдан ўн кун ўзган ҳолда ишлаётган бригада аъзолари бир йўла икки объект қурилишида бунёдкорлик ишларини олиб боришяпти. Коллективнинг бир қисми Навоий кўчасида қад кўтараётган М. Горький номли драма театри биноси қурилишида ишлаётган бўлса, қолганлари Аҳмад Дониш кўчасида бунёд этилаётган «Компрессор» заводининг 240 ўринли ётоқхона биноси пойдеворини бунёд этишаяпти.

Биринчи квартал план-топшириқларини муваффақиятли адо этган қурувчилар шу кунларда апрель ойи планини бажаришга киришиб кетишган. Бригада «Тез, қулай ва аъло сифатли» шиори остида ишламоқда.

## Коллектив аҳди

«Турар-жой қурилишига — аъло сифат». 2-уйсозлик комбинатига қарашли 60-қурилиш бошқармасининг Абдулла Эримов бошчилик қилаётган бригада аъзолари мана шу шиор остида ишлашмоқда. Коллектив шу кунларда Пушкин-Салор кўчалари оралиғида қад кўтараётган тўққиз қаватли турар-жой биноси қурилишида қатнашяпти.

Илғор методларни ишга жорий этаётган қурувчилар мунтазам равишда смена топшириқларини 10—15 процентга ошириб адо этишиб, қурилиш материаллари ва электр энергиясидан тежаб-тергаб фойдаланишмоқда.

КПСС XXVII съезди қарорларига жавобан бунёдкорлар ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йилида ўз зиммаларига олган мажбуриятларни муваффақиятли адо этишаяпти. Бригадада биринчи квартал плани муддатидан илгари адо этилиб планга қўшимча 10 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

— Москваликларнинг В. И. Ленин туғилган куннинг 116 йиллиги шарафига коммунистик шанбалик ўтказиш ҳақидаги таклифини бригадамиз аъзолари биринчилар қаторида қўллаб-қувватлашди, — дейди бригадир А. Эримов.

Ҳозир коллектив шанбаликка қизғин тайёргарлик кўряпти. Тахминий ҳисоб-китобларга кўра бунёдкорлар меҳнат байрами кунида 3 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришга бел боғлашди. Шунингдек, шанбаликда қурилиш территориясида ободончилик ишлари ҳам олиб борилади.

Бригаданинг С. Юртаев, Г. Қорабоев ва В. Кузнецов сингари пешқадамлари шу куни юксак унум ва аъло сифат билан ишлашга аҳд қилишди.

Партия ахбороти

## Коммунистлар намунаси

Коммунистлар, энг аввало уларнинг етакчилари бўлган цех партия ташкилотларининг секретарлари, партия группаларининг ташкилотчилари бошқаларга ҳар жиҳатдан намуна бўлмоқликлари керак. Партия XXVII съездида бунга алоҳида эътибор берилди. Ғулом Холматов мана 30 йилдан ошдики, «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг темирчилик-пресслаш цехида оддий темирчи бўлиб ишлаб келмоқда. Меҳнат Қизил Байроқ, Ҳурмат Белгиси, III даражали Меҳнат Шуҳрати орденларининг кавалери бўлган Ғ. Холматов ўз қадрдон цехининг партия ташкилоти секретаридир. Ҳозир у 1989 йил ҳисобига меҳнат қиляпти.

Фақат бу цехгина эмас, бутун бирлашма шу йилнинг дастлабки икки ойлик топшириғини барча кўрсаткичлар бўйича ортиғи билан бажарди. Пландан ташқари икки ойда 290 минг сўмлик қишлоқ хўжалиги машиналари реализация қилинди. Коллектив коммунистлар етакчилигида мусобақани авж олдириб, бу йил ўз зиммасига катта мажбурият олган. Энг аввало чигит экиш сеялкаларини муддатидан ўн кун олдин қишлоқ меҳнаткашларига етказиб беришга интилишяпти. 1 майгача 2677 та сеялка, гербицидлар соладиган ПХГ — 4 сеялкаларидан 2318 тасини юбориш мўлжалланган эди, машинасозлар уларни 20 апрелгача жўнатиш тараддудини кўришяпти. А. Шур, Н. Солиҳов сингари меҳнат зарбдорлари бошқаларга ибрат кўрсатмоқдалар.

## Комплекс тадбирлар асосида

Тошкентдаги кўн-галантерея ва спорт буюмлари бирлашмаси коммунистлари партия XXVII съезди қарорлари асосида маҳсулот сифатини кескин яхшилаш ва унинг таннархини арзонлаштириш учун кураш бошладилар. Бунинг учун комплекс тадбирлар плани ишлаб чиқилди. Бирлашма партия ташкилоти маъмурият билан биргаликда ишларни янада яхшилашга қаратилган тадбирларни изчил амалга оширяпти. Масалан, иш жойларини аттестация қилиш, янги техникани жорий этиш, меҳнат шароитларини яхшилаш, ишлаб чиқариш маданиятини ошириш ва бошқа масалалар коммунистларнинг ҳам диққат-марказида турибди. Мақсад маҳсулот сифатини энг яхши намуналар даражасига олиб чиқишдир.

Абдували Абдураҳмонов етакчилик қилаётган 3-цех коллективи, илғор бичиқчилардан Клара Рустамова, Зоя Бондарь сингари коммунистлар кўнгилдагидек ютуқларга эришяпти. Коммунистлар мусобақанинг ошкоралиги ва таъсирчанлигини оширишга интилишяпти. Бунда ҳар бир бригадада ташкил этилган бригада советлари, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг ролини кучайтиришга ҳам эътибор қаратиляпти. Партия ташкилоти мусобақа якунларини мунтазам кўриб боришга, илғорларни маънавий рағбатлантиришга катта аҳамият беряпти.

## Коллектив меҳнат самараси

2502-автоколонна Тошкент шаҳар марказлашган усулда юк ташиш автомобиль трестига қарашли 12 та автокорхона ўртасида юк ташиш план-топшириқларини муддатидан илгари бажариш бўйича социалистик мусобақа пешқадамидир.

Коллективда коммунист Бахтиёр Жўраев бошчилигидаги ҳайдовчилар бригадаси яхши обрў-эътибор қозонган. Бригада пудрати усулида ишлаётган бу коллектив 1982 йилда «Главташкентстрой» объектларига хизмат кўрсатиш учун ташкил этилганди. Шундан бери автомобилчилар ҳар йили юк ташиш ҳажмини ошириб, фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатишяпти.

1986 йил арафасида Б. Жўраев бошлиқ бригада январь-февраль ойлари юк ташиш планини КПСС XXVII съезди очилишига бажариш ташаббуси билан чиқди. Бу ташаббусни автоколоннадаги кўпгина коллективлар ва ўнлаб ҳайдовчилар, ремонтчилар қўллаб-қувватлашди. Бригада биринчи квартал топшириғини муваффақиятли адо этди.

— Мендан кўпинча бригада муваффақиятининг сири нимада деб сўрашади, — дейди Б. Жўраев. — Бизнинг ишимизнинг ҳеч қандай сири йўқ. Энг муҳими ҳайдовчилар фақат ўз бурчларигагина эмас, балки бутун коллектив фаолиятига масъулият билан муносабатда бўладилар. Агар бирон-бир ҳайдовчининг машинаси бузилиб ёки синиб қолган бўлса дарҳол унга ёрдам беришга ҳаракат қиламиз. Борди-ю автомобиль узоқ вақт ремонтда турган бўлса, биз у ташийдиган юкни ҳайдовчиларга тенг тақсимлаб юборамиз. Шундай қилиб, бригадада юк ташиш планининг бажарилишида қолоқликка йўл қўймаймиз.

Ҳозир партия бюроси автоколоннанинг барча бўлинмаларида КПСС XXVII съезди ҳужжатларини ўрганяпти. Асосий эътибор меҳнат унумдорлигини ўстиришга, автотранспортдан фойдаланиш самарадорлигини оширишга, меҳнат ва транспорт интизомини мустаҳкамлашга қаратиляпти.

— СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган истиқболга мўлжалланган Асосий йўналишларида фақат меҳнатни ташкил этишни анча ўзгартириш, мамлакат халқ хўжалигининг барча соҳаларида унинг самарадорлигини оширишгина эмас, балки автотранспорт воситаларидан омилкорлик билан фойдаланиш ҳам кўзда тутилади, — дейди партия ташкилоти секретари А. Бегматов. — Ўн иккинчи беш йилликда юк ташиш ҳажми 18—19 процент ўсади. Бу демак, бизнинг автокорхонамиз қўшимча юз минг тонналаб юк ташийди. 1986 йилда биз меҳнат унумдорлигини планга қўшимча бир процент ўстириш, юк ташиш планини 29 декабрга қадар бажариш, 30 минг литр бензин тежаш, икки кун тежалган ёнилғи билан ишлаш, автоприцеплардан самарали фойдаланишни белгилаганмиз. Партия XXVII съезди қарорларига бизнинг амалий жавобимиз ана шундай бўлади.

**В. ТИТОВ,**
**2521-автоколонна катта инженери.**

## Замондошимиз



Бош кийимлари тикиш ўзбек аёлларининг қадимий касби. Улар бу касб сирларини авлоддан-авлодга ўтказиб, такомиллаштириб келганлар. Арофат Зуфарова шундай ажойиб касб эгаси бўлганлигидан ғоят фахрланади. Халқимиз бошга кийиладиган кийимни мўътабар ҳисоблайди, уни дуч келган жойга ташлаб кетавермайди. Шундай бўлгач, бу буюмни тайёрлашга муносабат ҳам жиддий бўлиши керак. Арофат буни яхши англайди. Шу боисдан смена топшириқларини ортиғи билан бажаришдан ташқари, фақат аъло сифатли маҳсулот тайёрлайди.

Бу аёлнинг Охунбобоев номли бош кийимлар фабрикасининг Бешқайрағоч массивидаги 3-цехида меҳнат қилаётганига ўн икки йил бўлди. Ҳалол меҳнати билан ҳамкасблари ўртасида обрў-эътибор қозонди. Унга «Коммунистик меҳнат зарбдори» унвони берилган.

А. Зуфарова фабрикада КПСС XXVII съезди қарорларини амалга ошириш учун давом этаётган мусобақада фаол иштирок этмоқда. У биринчи квартал планини муддатидан илгари адо этди.

Т. Каримов фотоси.

## Область мукофоти лауреатлари

### ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ВА ОБЛАСТЬ КАСАБА СОЮЗЛАРИ СОВЕТИДА

**ТОШКЕНТ область партия комитети бюроси ва область касаба союзлари Совети президиуми Тошкент шаҳри меҳнаткашлари ўртасида 1985 йил планларини муваффақиятли бажариш ва партия XXVII съездини муносиб кутиб олиш бўйича социалистик мусобақа якунларини ҳамда съездолди мусобақаси ғолибларига область мукофоти лауреати унвонини бериш тўғрисидаги материалларни кўриб чиқиб, ҚАРОР ҚИЛДИЛАР:**

**меҳнатда эришган жуда катта муваффақиятлари, маҳоратни такомиллаштириш ва илғор тажрибани қўллаш асосида юқори самарадорлик ва сифатга эришгани, жамоат ҳаётида актив иштироки учун қуйидаги ишлаб чиқариш илғорларига кўкракка тақиладиган нишон, гувоҳнома ва пул мукофоти билан лауреат унвони берилсин:**

**Машинасозлик ходимлари мукофоти лауреати**

**НОСИРОВ Ҳамидулла** — Тошкент асбобсозлик заводи халқ истеъмоли буюмлари участкасининг чарҳловчиси.

**ЗЕНКИН Сергей Михайлович** — Тошкент агрегат заводи 1-цехининг токари.

**Химия саноати ходимларининг «ЭЛИКСИР» мукофоти лауреати**

**САХИЮЛИН Шавкат** — «Узбитхим» ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент сунъий ювиш воситалари заводининг қадоқлаш автоматлари цехи созловчиси.

**Газ саноати ходимларининг «ЗАНГОРИ ОЛОВ» мукофоти лауреати**

**КИКОТЬ Валерий Михайлович** — «Средазнефтегазстрой» трести 6-ихтисослашган бошқармасининг электр пайвандчиси.

**Электротехника саноати ходимлари мукофотининг лауреати**

**РАШИТОВ Фердаус Миргагитович** — «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент электротехника заводининг 18-цехи асбобсоз слесари.

**Радиоэлектрон саноати ходимлари мукофоти лауреати**

**САЯПИН Константин Юрьевич** — Тошкентдаги ҳисоблаш машиналари ремонти заводининг хўжалик ҳисобидаги комплекс бригадаси бошлиғи.

**Йўлдош Охунбобоев номидаги енгил саноат ходимларининг мукофоти лауреати**

**ЗОҲИДОВА Насиҳат** — Тошкент тикув ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчи-мотористи.

**ЗОКИРОВА Жўра** — «Ташигрушка» фабрикаси 6-цехининг йиғувчиси.

**ИКРОМОВА Мўътабар Эргашевна** — Йўлдош Охунбобоев номидаги Тошкент бош кийимлар фабрикаси 1-цехининг тикувчи-мотористи.

**Маҳаллий саноат ходимлари мукофоти лауреати**

**ТЮРИНА Валентина Григорьевна** — «Октябрь 50 йиллиги» тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси 2-цехининг тикувчиси.

**Озиқ-овқат саноати ходимларининг «ЛАЗЗАТ» мукофоти лауреати**

**ФИРСОВ Василий Викторович** — Ж. Обидова номли Тошкент тамаки фабрикаси механика цехининг фрезерчиси.

**Қурилиш ходимларининг «БУНЁДКОР» мукофоти лауреати**

**МАҲМУДОВ Салимжон Ёқубович** — «Главташкентстрой»га қарашли 1-уйсозлик комбинати комплекс бригадасининг бошлиғи.

**ХОЛМЕДОВ Маҳамаджон** — «Главташкентстрой»нинг транспорт ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли 1-автокорхона ҳайдовчиси.

**ГАЛИМЗЯНОВ Гадиз Галимзянович** — «Средазтепломонтаж» трестига қарашли Тошкент «Тепломонтаж» ихтисослашган қурилиш-монтаж бошқармаси оловкорлар бригадасининг бошлиғи.

**Бинокорлик материаллари саноати ходимларининг «ГРАНИТ» мукофоти лауреати**

**НУРМАТОВ Қўзибой** — Тошкентдаги «Сантехоборудование» тажриба экспериментал заводи 1-цехининг слесарь-сантехниклар бригадири.

**Автотранспорт ва тош йўллар ходимлари мукофотининг лауреати**

**ДМИТРАШЧЕНКО Евгений Евгеньевич** — Қуйлик кўприк темир-бетон конструкциялари экспериментал заводининг контакт машиналари пайвандчиси.

**Коммунал-маиший хизмат ходимларининг «СЕРВИС» мукофоти лауреати**

**ОДИЛОВА Анвара** — Тошкент шаҳар ижроия комитети ободонлаштириш бош бошқармаси манзаралари боғдорчилик совхозининг гулчилик участкаси ишчиси.

**Савдо ходимлари мукофоти лауреати**

**ИВАНОВА Валентина Николаевна** — Куйбишев ошхоналар трестига қарашли «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси 20-ошхонасининг ошпази.

# Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг бўлиб ўтган мажлисида ободонлаштириш ва якка тартибда уй-жой қурилишини назорат этиш бўйича Давлат инспекцияси, район ижроия комитетларининг директив органларнинг талаблари асосида ўзбошимчалик билан уй-жой қурилишига қарши кураши ҳамда гражданларнинг ўзларига қарашли уйлар, бинолар ва ер участкаларини сақлаш қоидалари ва нормаларига риоя этишини таъминлаш бўйича иши ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Қабул қилинган ҳужжатда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Давлат инспекциясининг, район ижроия комитетларининг, архитектура ва планлаштириш Бош бошқармасининг, шаҳар БТИсининг, ижроия комитетнинг якка тартибда уй-жой қурилишига алоқадор бошқа бўлимлари ва бошқармаларининг қониқарсиз ишлаётгани, маҳалла ва квартал комитетлари билан ўзаро алоқанинг йўқлиги кўрсатиб ўтилди.

Бунинг оқибатида 1984—85 йилларда 900 та уй ўзбошимчалик билан қурилгани аниқланди. Халқ депутатлари район Советларининг ижроия комитетлари томонидан ўзбошимча уй қурувчиларга чора кўриш ҳақида халқ судларида даъволар ўз вақтида кўриб чиқилмаяпти. Қоидаларни ўта бузувчиларга нисбатан район ижроия комитетларининг маъмурий комиссиялари томонидан чоралар кўрилмайди. Шаҳар Совети ижроия комитети кўрсатилган нуқсонлар зудлик билан бартараф этилиши зарурлигини жиддий кўрсатиб ўтди. Район Советлари ижроия комитетларига, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг тегишли хизматларига ўзбошимчалик билан қурилиш олиб боришга қарши курашни кучайтиришга қаратилган қонунчиликка қаттиқ риоя этиш мажбуриятини юклади.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг Давлат инспекциясига, шаҳар БТИсига ўзбошимчалик билан уй-жой қурилишига йўл қўйилмаслиги ва унинг оқибатлари, якка тартибда уй-жой қурилиши тартиби ҳақидаги қонунларни тушунтиришни ташкил этиш топширилди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Тошкент шаҳрида атроф-муҳитни муҳофаза этиш бўйича ижроия комитетнинг қарори қандай бажарилаётганлигини ғоят принципиаллик билан муҳокама қилди.

Таъкидлаб ўтилдики, атроф-муҳит муҳофазасини назорат этувчи давлат органлари, шаҳар корхоналари ва ташкилотлари томонидан Тошкент шаҳрининг сув ҳавзасини муҳофаза этиш ва санитария ҳолатини яхшилаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, 1985 йилда шаҳар корхоналари томонидан атмосферани муҳофаза этиш бўйича 2578 минг сўмлик 232 тадбир бажарилди, чиқинди газлар тозаланувчи 11 та янги жиҳоз ишга туширилди ва 18 таси реконструкция қилинди. Бу шаҳардаги ҳавонинг ифлосланиш даражасини анча камайтириш имконини берди.

Айни пайтда аниқландики, Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, Энергетика, Енгил ва озиқ-овқат машинасозлиги, Электротехника саноати, министрликларининг ҳамда қурилиш индустрияси ва автотранспорт корхоналари ҳамон ҳаво ҳавзасининг асосий ифлослантирувчилари ҳисобланишади. Шаҳар ҳаво ва сув ҳавзасининг умумий ҳолати кўп жиҳатдан уларнинг ишига боғлиқ бўлади. Автотранспортдан чиқаётган чиқинди газларнинг заҳарлилигини аниқлаш бўйича ўтказилган текшириш шуни кўрсатдики, атроф-муҳитни ифлослантираётган автомашиналар сони ҳамон кўп.

Ахлат ва маиший чиқиндиларни ўз вақтида ташиб кетиш ва уларни саралашдан ўтказиш масаласи ҳануз ҳал этилмаган. Мавжуд чиқинди ташувчи транспортдан тўла фойдаланилмаяпти. Киров, Фрунзе, Собир Раҳимов, Куйбишев, Чилонзор районларининг «Автодормехбаза»лари санитария-эпидемиология станцияси билан келишиб олмай, чиқиндини Калинин ва Тошкент районларининг далаларига ташламоқда. Айни пайтда маиший чиқиндиларни қайта ишлаш заводининг қувватларидан бор-йўғи 20 процент фойдаланилмоқда.

Шаҳар Совети ижроия комитети саноат корхоналари, ободонлаштириш бошқармалари раҳбарларининг эътиборини Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг 1985 йил 15 февралдаги қарорини бажармаётганликларига қаратди. Атроф-муҳитни муҳофаза этиш бўйича партия ва ҳукумат қарорларида кўзда тутилган тадбирлар сурункасига бажарилмаётганлигини раҳбарларга жиддий кўрсатиб ўтди.

Ижроия комитет ўз қарори билан атроф-муҳитни муҳофаза этиш бўйича тадбирларни тасдиқлади.

Шунингдек, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети партия ва ҳукумат қарорлари асосида директив органларнинг қарорлари ва ўз қарорларини бажариш юзасидан ўз контрол функциясини амалга ошириш бўйича Советлар фаолияти ҳақидаги масалани кўриб чиқди. Қабул қилинган қарорда ижрони назорат этишнинг форма ва методларини янада такомиллаштиришга, бу ишда меҳнаткашлар, халқ хўжалиги мутахассисларининг иштирокини таъминлашга, район Советлари ижроия комитетларининг қарорлари ва кўрсатмаларини қабул қилишда қонунчиликка қаттиқ риоя этилишига, уларнинг сифатини яхшилаш ва қабул қилинаётган қарорлар миқдорини камайтириб боришга қаратилган тадбирлар кўзда тутилди.

Сайловчилар наказлари билан ишлаш даражасини ошириш, уларни бажаришда корхоналар, ташкилотлар, муассасалар меҳнат коллективларининг ролини оширишга эътибор қаратилди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети шаҳар хўжалигининг бошқа масалаларини ҳам кўриб чиқди. Улар юзасидан ҳам тегишли қарорлар қабул қилинди.

## Байрам комиссияси мажлиси

КЕЧА

**шаҳар байрам комиссиясининг бўлиб ўтган мажлисида Тошкент шаҳрида меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик куни —1 Май ва Ғалаба куни байрамларига тараддуд ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.**

**Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари А. В. Гончарова, шаҳар партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири Қ. М. Рафиқов, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари А. Я. Артемьевлар шаҳар байрам комиссиясининг иш режалари ва тадбирлар тўғрисида ахборотлар бердилар.**

## Совет Иттифоқи янгиликлари

### Янги машина

● ЧАРЕНЦАВАН (Арманистон ССР). «Армавто» бирлашмасида янги типдаги автопогрузчиклар ишлаб чиқарила бошлади. Бир тоннадан кўпроқ юк кўтара оладиган машинани бошқариш енгил, кўпроқ маневр қила олади, пухта ишлайди. Хизмат муддати эса бир ярим баравар узайган.



**МОСКВА. Халқ хўжалигида электроникадан фойдаланиш Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар иқтисодий йўналишида аҳамият касб этмоқда. Халқаро илмий техника ахбороти марказига Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзолари бўлган барча мамлакатлардан ахборотлар келиб турибди.**

**СУРАТДА: Германия Демократик Республикасида тайёрланган ЕС—1055М электрон ҳисоблаш машинаси ахборот марказининг машиналар залида ишламоқда.**

**Р. Денисов** фотоси.

### Изланиш самараси

● РИГА. Рига политехника институтини битираётган Айвар Вайводнинг диплом иши ҳали ёқланмасиданоқ аъло баҳо олди. Бўлғувси мутахассис ясаган лазер қурилма республика Фанлар академиясининг мукофоти билан тақдирланди. Содда ва пухта прибор машина ва механизм деталлари устки қисмининг сифатини ғоят аниқ белгилаб беради. Назоратчи нур кўриш қийин бўлган узелларга ҳам «кўз ташлай олади». Латвия олий мактабларининг 12 студенти академия мукофотларига сазовор бўлди. Бу студентлар машинашунослик, математика, астрономия, органик синтез ва бошқа билим тармоқлари юзасидан ўз тадқиқотлари натижаларини тақдим қилган эдилар. Ҳозир республика олий ўқув юртлари кундузги бўлимларининг қарийб ҳамма студентлари илмий изланишларга жалб қилинган.

### Фойдали технология

**● ДОНЕЦК. Донецк область Великая новоселка районидаги Калинин номли колхоз янги тракторлар харид этишдан воз кечди. Бу ерда тракторларни ишлатиш муддатини узайтиришдан иборат бошқа йўл афзал топилди. Олимлар ёрдами билан хўжаликда инженерлик комплекси вужудга келтирилиб, машина-трактор паркига хизмат кўрсатиш ва уларни созлаш илғор технологиялари жорий этилди. Машина-ускуналарнинг хизмат муддати икки-уч йил узайди, уларни тиклашга маблағ сарфи камайди.**

# Атеистик тарбия — диққат марказида

Ўзбекистон Компартияси XXI съездида атеистик тарбия масалаларига катта ўрин берилди. Бу бежиз эмас, албатта. «Ҳақиқий халқ анъаналари — доноликдан, меҳнатсеварликдан, ҳалоллик ва камтарликдан, тинчликка интилишдан, чинакам инсонпарварлик ахлоқидан иборат». КПСС XXVII съездида қабул этилган КПССнинг янги таҳрирдаги Программасида ҳам атеистик тарбияга муҳим эътибор берилди.

Бизнинг маҳалламизда ана шу йўналишда муайян ишлар олиб бориляпти. Ўтказилаётган қизиқарли тадбирлар маҳалла аҳлида яхши таассурот қолдирмоқда.

Яқинда «Каттабоғ» маҳалласининг клубида ана шундай қизиқарли кеча бўлиб ўтди.

Унда партиямиз XXVII съезди қарорларини изчил амалга ошириш, янги жамиятнинг актив қурувчиларини тарбиялаб етиштиришда маҳалла аҳли олдида турган вазифалар ҳақида қизғин гап борди. Маълумки, хотин-қизлар озодлиги учун умумхалқ юриши— «Ҳужум» ҳаракати бошланганига келгуси йилда 60 йил тўлади. Эскилик сарқитларига қарши курашда ана шу ҳаракат даврида тўпланган кўпгина тажрибалардан кенг фойдаланиш мумкин.

Хотин-қизлар Советининг аъзоси Маъмура Пўлатова, Совет раиси Раъно Тўлаганова, «Билим» жамияти район ташкилоти лектори А. Содиқов ва бошқалар партиямиз XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида қўйилган вазифаларни адо этишда хотин-қизларнинг ролига алоҳида тўхталиб ўтдилар. Уй бекалари, ўқитувчилар, врачлар, Қаҳрамон она Қутби Пўлатова ва бошқалар хотин-қизлар активлигини янада ошириш юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Айниқса илмий-атеизм уйининг ходими М. Жабборованинг атеистик мавзудаги суҳбати кўпчиликда бой таассурот қолдирди. У ўтмишда хотин-қизларнинг оғир аҳволи ва ҳозирги ўзбек хотин-қизларининг жамиятимиз бахт-саодати йўлида фидокорона меҳнат қилаётганликлари ҳақида, баъзи аёллар онгидаги эскилик сарқитларига қарши қатъий ва муросасиз кураш олиб бориш зарурлиги ҳақида мароқли ҳикоя қилиб берди. Биз бундан буён атеистик мавзуларда ана шундай қизиқарли учрашувлар ташкил этишни режалаштирдик.

С. МИРҲОШИМОВ,
Октябрь районидаги «Каттабоғ» маҳалла комитетининг раиси.

### Оқ халатли мададкорлар

**Бўлғуси медиклар, Фрунзе медицина билим юртининг ўқувчилари ўз шаҳарларидаги ёлғиз пенсионерларни доимий оталиққа олдилар. Улар уйда медицина ёрдами кўрсатишга муҳтож кишиларнинг адресларини аниқлаб чиқдилар. Бу нарса участка врачлари ва ҳамширалари ишини енгиллаштирди, шошилинч чақиришлар сонини камайтирди. Диққат-эътибор, оддий инсоний ғамхўрлик беморларга доридан кам ёрдам бераётгани йўқ.**

**Ёш медиклар врач тайинлайдиган процедураларни бажарадилар, беморларга дори келтириб берадилар. Касалхона ва поликлиникалар ҳузурида ҳам кўнгилли санитария отрядлари ишлаб турибди.**

**Ёш фрунзеликларнинг бу яхши ташаббуслари кенг кўламда қўллаб-қувватланмоқда —республиканинг барча медицина билим юртларида шундай группалар тузилмоқда.**



**ЛИТВА ССР. Вильнюсдаги «Вилия» трикотаж фабрикасининг рассом-модельери Алдона Жаромскене республикада болалар ва катталар учун устки либослар моделларини яратишда ном қозонган. Республиканинг кўплаб аҳолиси ва меҳмонлари ана шу машҳур уста яратган либосларни манзурлик билан кийишади.**

**СУРАТДА: Алдона Жаромскене Таллиндаги бадиий институтни битирган қизи Эгле билан.**

**А. Сабаляускас** фотоси. **ТАСС** фотохроникаси..

## Табиат ва инсон

### Каспий тюленлари

Махачқалъа портида жиҳозланган махсус экспедиция Каспийнинг шимоли-шарқий оролларидаги тюленлар қишлайдиган районга жўнаб кетди.

Каспий денгизининг қор босган ороллари ва кенг музликлари қишда тюленлар хуш кўриб яшайдиган жойга айланади. «Улар бу ерда, кўчиб келадиган зоналарда болалаб, ётоқ — «квартиралар»ни очади. Жониворларнинг мўйнаси ипакдек бўлиб, халқаро мўйна кимошди савдо бозорларида юқори баҳоланади.

Экспедициянинг иши комплекс илмий изланишлар билан боғлиқ. Шу боисдан олимлар, денгиз ва ҳаво овчилик инспекциялари, «Капводнадзор», «Закасприбвод» бошқармалари хизматларининг вакиллари Каспий денгизида вахтада турибдилар. Каспий ҳавзасини муҳофаза қилиш программасига мувофиқ, қўриқхона зоналарини кенгайтириш кўзда тутилади.

## Санъатнинг сеҳрли олами

### Яна бир постановка

**Истеъдодли ёзувчи Ҳ. Шайховнинг асарлари ёш китобхонларга яхши таниш. Унинг, айниқса фантастик ҳикоя ва повестлари болалар ва ўсмирларда зўр қизиқиш уйғотмоқда.**

**Кейинги вақтда адиб шу жанрда драматик асарлар устида ҳам жиддий иш олиб борди. Бундай ижод намуналаридан бири «Фонтамаснинг ҳалокати» деб номланди.**

**Сюжети қизиқ воқеалар асосига қурилган мазкур пьеса яқин орада саҳна юзини кўради. Уни Охунбобоев номли республика театри постановка қилишга киришди.**



**22-мактабда аълочи ўқувчилар слёти бўлиб ўтди.**

**Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» пьесаси асосида тайёрланган саҳна асари томошабинларда яхши таассурот қолдирди.**

**СУРАТЛАРДА: мактабдаги байрам.**

**Ҳ. Шодиев** фотолари.

### Роман асосида фильм

Таниқли ўзбек ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг бир неча асарлари асосида видеофильмлар яратилди. Адибнинг китобхонларга манзур бўлган «Олмос камар» романи ҳам кино санъатининг ана шу оммабоп жанри орқали минг-минглаб телетомошабинлар эътиборига тақдим этилади.

Асар эндиликда ўзининг навбатдаги экран талқинини топиши арафасида турибди. «Ўзбекфильм» студиясида роман асосида яратишга қарор қилинган бу янги бадиий фильм режиссёр Ғиёс Шермуҳамедов бошчилигида постановка қилинади.

Замонавий темадаги бу картинадаги ролларни кўплаб таниқли актёрлар ижро этишади.

«Самарали меҳнат ва соғлом турмуш учун» Бутуниттифоқ рейди давом этмоқда

# 1. „ЁВУЗ ОҒУ“ СЎҚМОҚЛАРИ

## ҚОРА КУРСИДА— АЛКОГОЛЬ

**— Ҳозир ичкиликбозликка қарши шундай кураш бораётган пайтда менинг оиламда ҳам қуёш чароқлашини, турмушимиз яхши томонга ўзгаришини истайман.**

**З. АШУРОВА.**

**— Гарчи мен ва эрим деярли ичмаган, айтганларидек меъёрини билган бўлсак ҳам балодан четда қолмадик. Фарзандларимиз: ўғлимиз, келинимиз, қизимиз, куёвимиз ичадилар.**

**Н. К.**

**— Уруш оловидан ўтган авлоднинг ютуқлари ва жонбозлик билан қилган меҳнати эвазига муайян фаровонликка эришгач, биз, уларнинг изидан бораётганлар ёшларни тарбиялашда ниманидир назардан четда қолдирганга ўхшаймиз.**

**Хонадонларда бўладиган фақат эргина эмас, хотин ҳам ичкиликбозликда фаол қатнашадиган кайфу-сафога бир қаранг.**

**М. ТУРДИЕВА.**

**—... Ўгай отам «Чашма»ни ичиб олгач (у деярли ҳар куни ичади), шундай жанжал кўтарадики, бир неча бор участка милиционерини чақиришга тўғри келди. Бизнинг уйимиздаги аҳволни микрорайондагиларнинг ҳаммаси билади, кўчага чиқишга уяламан.**

**В. А.**

Буларнинг барчаси редакцияга келган хатлардан сатрлар. Уларнинг ортида — одамларнинг аччиқ қисмати, ичкиликка берилган оилаларнинг фожиаси ётибди. Барчасининг айбдори —алкоголь.

Партия ва ҳукуматимиз томонидан турмушимиздан ичкиликбозлик ва алкоголизмни йўқотиш учун қатъий чоралар кўрилганидан сўнг кўп нарса ўзгарди. Бироқ ичкиликбозлик иллати ҳамон учраб турибди.

Мана, турли жойлардан келган бир нечта хабар.

«Ташлимводторг»нинг Собир Раҳимов район савдо базасига қарашли 11-павильони «Миконд» заводи рўпарасида жойлашган. Кечки пайт павильоннинг ён томони гавжум эди. Бу ердаги эшик тез-тез очилар, одамлар павильоннинг ўзига хос ҳовлисига кириб кетишар, у ердан эса кайфлари чоғ бўлиб чиқишарди.

Бирдан тўполон бошланди. Маълум бўлишича пивохўрлар ўртасида келишмовчилик келиб чиққан экан. Хайрият, даҳанаки жангдан нарига ўтишмади. Ўзаро «муросага келишиб», яна ҳовличага кириб кетишди. Бу ерда одамлар группа-группа бўлиб яшикларга ўтириб олишган, пиво ичишаётган эди. Холбуки бу пайтда сотувда пиво тугаган экан.

А. С. Пушкин номидаги парк территориясида жойлашган 14-чойхона Собир Раҳимов район ошхоналар трестининг 1-ошхонасига қарашли.

28 февраль куни 16 дан 30 минут ўтганда бу ерда уч гуруҳ чойхўрлар ўтиришган эди. Улар чойнакларга чой ўрнига арақ қуйиб олишган эди. Сиртдан қараганда пиёлаларга чой, аслида лимонли арақ қуйиларди. Чойхўрлар бир-бирларига соғлиқ тилаб ичишарди. Уларнинг кайфиятлари чоғ эди. Чунки кетма-кет ичишарди...

Кўриб турибсизки, ичкиликбозликнинг ярамас одатларини бир силтов билан осонликча тугатиб бўлмайди. Ичкиликбозлар арақни магазинлардан сигарета коробкаларида, сут бидонларида олиб чиқишнинг йўлини топишяпти. Қисқаси, ҳар хил хийла-найранг ишлатишяпти. Уларнинг «сахий кўмакчилар»и бўлган сотувчиларга синчковлик билан эътиборни кучайтириш керакка ўхшайди. Улар спиртли ичимликни қонунсиз сотганлик қаттиқ жиноий жавобгарликка олиб келишини унутиб қўйишаётган кўринади.

Бугун биз рейд материалларни эълон қилар эканмиз, ҳозирча сероб бўлган салбий фактларни санаб ўтишнигина мақсад қилиб қўймадик. Биз учун энг муҳими — ичкиликбозлик иллатлари нима учун ҳамон яшаётганлигини билиш, ҳозир у муҳитга қандай мослашаётганлигини таҳлил этишдир. Сабаблари аниқлангач, унга қарши курашиш осонлашади.

Бизнинг жамоатчи авторларимиз ва редакция ходимлари ушбу материалларни тайёрлаш пайтида муаммонинг ичига кириб боришга ҳаракат қилишди ва шу сабабли шов-шув билан дабдабали текширишлар ўтказилмади. Синчковлик билан кузатув ўтказилди. Мана энди ўзига хос ҳисобот ҳавола этилмоқда.

УЛАР равон йўлда мувозанатларини аранг сақлаб, илонизи сўқмоқдан юргандай алпанг-жалпанг чайқалиб қадам ташлаб, ачомлашиб келишарди. Икки новча кишининг қоматини тик тутишлари амри маҳол эди. Наинки, тез-тез тўхташар ва узуқ-юлуқ алжирашарди. Бири —яқин ўтмишдаги «зиёли» (ёғ босган галстук, ғижимланган шляпа шундан далолат беради) ғирт нозиёли исқирт шеригидан тиришиб сўрарди:

— Сен м-мени... ҳур-рмат қиласанми?..

Бунга жавобан «исқирт» тўнғилларди:

— «Ч-ч..ашма» сотиб ол...санг... балки ҳур-рмат.. қиламан!

Мен бу бадмаст жуфтликка гавжум Ҳадра майдонида дуч келдим. Шуниси ҳам борки, душанба— навбатдаги иш ҳафтасининг биринчи иш куни эди.

Агар бир кун олдин, якшанбада спиртли ичимликлар сотиладиган магазинлар ва уларнинг бўлимлари ёпиқ бўлганини назарда тутсак, чуқурроқ мулоҳаза қилиб кўриш керак бўлади. Бунда «Ичимликлар» деб ёзиб қўйилган дўконлар бошқа кунлари фақат кундуз соат иккидан кеч соат еттигача очиқ бўлишни ҳам эътиборда тутинг...

Ҳа, ажабланмасдан илож йўқ. Шу боисдан ҳаққоний савол туғилади: бундай ичкиликбозлар ичкиликни қаердан ахтариб топишаркин? Эрталабданоқ ишга, ўқишга шошаётган, бошқа зарур ташвишлар билан юрган одамлар орасида баъзан сархуш чайқалиб қадам ташлаётган шарпалар учраб туриши ғалати туюлмайдими? Улар қандай қилиб сархуш бўлиб олишади?

Кузатишларимни эшитган милиционер «таскин» берди:

— Сиз ташвишланманг, махсус медицина хизмати бор. Уларни олиб кетади, ҳушёр қилиб қўяди. Жамоат жойида маст ҳолда юрганлиги учун улардан талайгина жарима ундиришади...

Сирасини айтганда, сержант ҳаммага аён гапни қайтарди. Мени бошқа нарса қизиқтирган эди:

— Сиз қандай деб ўйлайсиз, бу шишадошлар спиртли ичимликни қаёқдан топиша олади экан?

— Билмадим, — самимийлик билан жавоб қилди сержант, — балки олдиндан ғамлаб қўйишар ёки бирор жойдан спирт топишса керак...

Мен бир куни кекса такси ҳайдовчисига бу ҳақда сўз очган эдим, шундай жавоб қилди:

— Албатта, бир-икки йил олдин йўли кўп эди... Вино-арақ ичимликлари деярли барча озиқ-овқат магазинларида сотиларди. Ҳеч нима бўлмаса бўлмасди, бироқ «обизамзам» сероб бўларди!

Эндиликда тегишли қарор чиққандан кейин бош оғриққа отиб олиш анча қийинлашди. Бироқ, баъзилар шунга қарамай эрталаб ва кечаси ичкиликни топишнинг уддасидан чиқишаяпти. Баъзи жойларда ҳали ҳам «чойчақа» ундираётганлар бор.

Мен бунга қизиқиб қолдим ва дангал сўрадим:

— Мени ана шундай «жой»лардан бирига олиб боролмайсизми?

СЎЗАМОЛ таксист ўта қисқа жавоб берди: «Йўқ!»

Унинг сўзлаш оҳангидан бу мавзуда бошқа гаплашиш истаги йўқлиги аён эди. Бироқ бунда алкоголнинг зарари ҳақида жуда яхши лекциялар ўқувчи ҳушёрлик жамиятининг баъзи штатли активистлари билмайдиган ўзига хос сир бор эди. Шундай бўлдики, мен ана шу мавзудаги суҳбатни бир танишим билан давом эттирдим.

— Яқиндагина мен ҳам «ғирт» ичкиликбоз эдим, — деди танишим.— Эрталабки бош оғриғи учун тез-тез магазинга югурардим. Бир шиша «портвейн»ни сотиб олар, қайсидир дарахтзорга кириб ичиб олар ва бу билан ўзимни енгил ҳис қилгандек бўлардим...

— Ҳар куни ичиш учун пул керак. Сиз қаердан олардингиз? — қизиқсиниб сўрадим мен.

— Бир пайтлар менинг қизиқарли ва бой кутубхонам бор эди. Бувимдан мерос бўлиб қолганди. Очиғини айтсам... энди бу кутубхона йўқ... Ичиб юбордим...

— Бироқ сиз ичишни китоблар тамом бўлгани учунгина ташламаган бўлсангиз керак? Ҳушёрлар сафига қўшилишингизга нима таъсир кўрсатди?

Суҳбатдошим ўйга чўмди. У ўз ҳаётидан спиртли ичимликни қатъият ва узил-кесил чиқариб ташлашга қарор қилган бурилиш куни ҳақида ўйлаган бўлса ажаб эмас.

— Ўғлимни, оиламни... ўзимни йўқотиб қўйишдан даҳшатга тушдим, — дея секин сўз бошлади у.— Бир куни одатдагидек ичиб олган пайтимда пинжимга суқилган ўғлимни итариб юбордим. Болакай деворга бориб урилди. Унинг қаттиқ қўрқувдан жовдираб турган кўзларига қараб даҳшатга тушдим. Худди башарамга қамчи билан савалашгандай юрагим ўртаниб кетди... Биласизми, кўзларим мошдек очилди! Болакайдан узр сўрадим. Бу ҳодиса ҳамон кўз олдимдан кетмайди. Мана салкам икки йил бўлди. Ўшандан бери бир грамм ҳам, ҳатто пиво ҳам ичмадим. Қатъий барҳам бердим.

Мен суҳбатни давом эттириб, сўрадим:

— Сизнинг собиқ шишадошларингизнинг аҳволи қалай?

— Айримлари ҳамон ичишмоқда ва эрталабданоқ «бош оғриғи»ни давом эттиришмоқда...

— Улар алкоголни эрталаб қаёқдан топишаркин?

Суҳбатдошим жилмайди:

— Бу жуда оддий — кўплари ичкиликни олдиндан ғамлаб қўйишадиган бўлишди. Агар илгари бир шишадан олишган бўлса, эндиликда ўнталаб, ҳатто баъзилар яшиклаб олишади... Магазинларни кузатиб кўринг— кўрасиз... Тўғри, эрталаб ёки кечқурун топиш қийин. Бироқ баъзилар йўлини топишяпти...

«Москва» меҳмонхонаси яқинида эски маҳалланинг бир нечта путурдан кетган уйлари қолган. Айрим хонадонларнинг эгалари уйларини «кабобхона»га айлантиришган. Табиийки, уларда «мижоз»ларни қабул қилиш учун зарур санитария-гигиена шароитлари йўқ. Умуман буларда кўпгина қулайликлар йўқ ва айни пайтда тегишли органларни қизиқтириши мумкин бўлган нарсалар бор. Масалан, «кабобхона» бекаларидан бирининг ҳурматига сазовор бўлсангиз у сизга фақат кабобгина эмас, балки сутканинг исталган пайтида 40 градусли шишадан топиб бера олади. Табиийки, чайқов нархида...

МАНА шундай ташвишли манзара кўзга ташланмоқда. Вино-арақ маҳсулотлари сотувидаги чеклаш айрим ишбилармонлар учун бойлик орттириш манбаига айланмоқда. Тўғри, улар ўз фаолиятларини кўз-кўз қилишмайди, эҳтиёткорлик билан чайқов қилишади, доимий ва «ишончли» мижозлар билан алоқада бўлишади. Алкоголга қарши курашнинг тиғи йўналтирилган ўта ичкиликбозлар билан шундай қилишади.

Ичкилик чайқовчилари шаҳарнинг марказий районларида таваккал қилишмайди. Чекка жойларда, чекка микрорайонларда ва айрим маҳаллаларда бундай «точка»лар бор.

Одатда улар унча катта бўлмаган озиқ-овқат магазинлари ва ҳатто айрим хусусий хонадонларда жойлашган. Ичкиликнинг чайқов нархлари ҳам маълум. Масалан эрталаб ярим литр арақ 10 сўмга берилса, кечаси унинг нархи 15 сўмга боради! Вино тегишлича эрталаб — 3 сўм, кечаси — 5 сўм.

Алкоголизмнинг яна бир ярамас кўриниши юзага қалқиб чиқиб қолмоқда. Ичкиликбозларнинг орасида мунтазам... одеколон ичувчилар бор. Ҳар нафас чиқарганида хушбўй ҳид таратадиган «сатанг»ни кўз олдингизга келтиринг! Хонаси келганда сўраб кўринг— ҳаммага манзур ва арзон «Тройной одеколон» парфюмерия бўлимларида нега кўринмай қолди?...

Агар спиртли ичимликни «меъёрида» истеъмол қиладиганларга сўз бермасак кўтарган мавзуимиз тўла ёритилмай қолади. Бундай ахборотни олиш учун уларнинг орасига, уларнинг муҳитига бир муддат кириб чиқмоқ лозим.

Мана, пиво баридамиз. Кутганимиздек суҳбат аста-секин вино-арақ мавзуига бориб тақалди.

— Ичкиликни соат иккидан сота бошлашгани яхши. Ишхонада ичкиликбозлик қилиш камайди. Бироқ, якшанба куни ёпиб қўйишлари чатоқ бўлди, — деди стол атрофида турган уч кишидан бири. У ёши каттароғи ва обрўлироғи бўлса керак.

— Илгаридан камроқ, аммо барибир баъзи жойларда эрталаб ҳам, дам олиш кунлари ҳам ичишяпти, — дея эътироз билдирди иккинчиси.

— Улар қаёқдан топишаркин? — ўйга чўмиб сўради учинчиси, энг ёшроғи ва қўшимча қилди:

— Умуман одамлар нега ичишади?

— Чунки, —жавоб қилди энг каттаси,— баъзи эркаклар ўзларини қўйишга жой топа олишмайди...

— Кечирасиз, ахир клублар, стадионлар, театрлар бор?!— секин суҳбатга аралашдим мен.

— Қани ўша клублар, қани театрлар?.. Марказда. Клублар эса одатда корхоналарда бўлади...

МАСАЛАН, бизнинг Қорақамишда бунақа муассасалар йўқ. Башарти кечқурун ҳордиқ чиқариш учун шаҳар марказига борсак, у ердан уйга қайтишда қийинчилик туғилади. Якшанбада — айниқса қийин. Кечқурун соат ўндан кейин автобуслар тақа-тақ тўхтайди. Ҳамма таксичилар ҳам биз томонга олиб боришга рози бўлаверишмайди— «қайтишга» пассажир бўлмайди...

—Одамларнинг қизиқишини нимагадир қарата билиш лозим,—дея таъкидлади суҳбатдошларнинг иккинчиси ва қизиқарли мисол келтирди:

— Бир куни ўртоғим — одамшаванда ва «ишбилармон» йигит билан ресторанга кирдим. Официанткалар хушчеҳра билан кутиб олишди. У буюртма бераётиб, официантканинг қулоғига нимадир шивирлаган эди, бир неча минутдан кейин столимизда ҳамма нарса муҳайё бўлди. Иссиқ ва совуқ таомлар, шарбатли графин, «пепси-кола» ва «Тошкент суви» шишаларини олиб келишди. Ўртоғим минерал сувни очди. Уни фужерларга қуйди. Мен ушбу «минерал»дан бир хўплам ичиб, қалқиб кетишимга сал қолди. Шишадаги «Тошкент суви» эмас, балки оддий... арақ эди! Ҳолбуки бу —«алкоголсиз» ресторанлардан бири эди.

Алкоголизм ва ичкиликбозликка қарши қаратилган чоралар «кураш» деб аталаётгани бежиз эмас. Бу курашда муайян қарши ҳаракат (қаршилик) бўлиши олдиндан кутилган эди. Кураш самарали бўлиши учун самарали чоралар кўрилмоғи лозим...

ПАРТИЯ ва ҳукуматнинг ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этишга қаратилган сиёсати ижобий натижа берганини таъкидлаб ўтмоқ лозим. Бу ҳамма жойда сезилиб турибди. Ишлаб чиқариш интизоми ва жамоат ҳуқуқ-тартиботи анча юксалди. Алкоголни турмушда истеъмол этиш ва айниқса корхоналар ва муассасаларда ичиш қисқарди. Қарорнинг энг таъсирчан чораси— ичкилик сотишнинг вақти чекланиши яққол кўриниб турибди. Соддароқ қилиб айтганда, бу эрталабки бош оғриғи учун ичишларни, тушки танаффусларда ичкилик сотиб олиш имкониятларини чеклаш, дам олиш ва байрам кунлари спиртли ичимлик савдосини тақиқлаш тадбирларидир...

Ушбу чоралар тўла даражада амалга оширилиши учун «бош оғриғи қилинадиган жойлар»ни йўқотиш, ичкилик чайқовчиларини аниқлаш ва қаттиқ жазолаш борасида қатъият билан чоралар кўрилмоғи даркор! Ҳар қандай ғайри-қонуний туйнукларга ғов қўйиш пайти келди!

Ю. ГАЛИМОВ,
ишчи.

## Ичкилик сотадиган хуфёна жойларга ғов қўйилсин



